

## НАМОЗ ВАҚТЛАРИ

Бухоро вилояти бўйича


Ой, кун	Субҳи Содиқ	Бомдод	Кўёш чиқishi	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
16/ХП	06:21	07:00	07:59	13:10	16:00	17:25	19:00
17/ХП	06:22	07:00	08:00	13:10	16:00	17:25	19:00
18/ХП	06:22	07:00	08:00	13:10	16:00	17:25	19:00
19/ХП	06:23	07:00	08:01	13:10	16:00	17:25	19:00
20/ХП	06:24	07:00	08:01	13:10	16:00	17:25	19:00
21/ХП	06:25	07:00	08:01	13:10	16:00	17:25	19:00
22/ХП	06:25	07:00	08:01	13:10	16:00	17:25	19:00

Эслатма: 1. «Субҳи содиқ», яъни бомдод намозининг ilk вақти.

2. «Кўёш чиқishi», яъни бомдод намозининг охириги вақти. Ундан кейин бомдод намози қазо бўлади, яъни унинг вақти тугайди.

### ҚУРЪОНИ КАРИМ СУРАЛАРИДАГИ ДУОЛАР БИЛАН ШИФО ТОПИШ ҲАКИДА

Фотиҳа сурасини ўқиб дуо қилиш. Бу сура Қуръони Каримдаги энг улуг сура-ди. Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху ривоят қилган хадиси шарифда бундай дейилади: «Жаброил алайҳиссалом Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам хузурларида ўтирган эди. Ногоҳ у зот юқоридан бир овозни эшитди. У бошини кўтариб бундай деди: «Бугун осмондаги асло очилмайдиган бир эшик очилди. Бугун у эшикдан ҳеч бир вақт тушмаган фаришта тушди. У фаришта салом берди ва бундай деди: «Сенга берилган икки нур билан хурсанд бўл! Сендан аввалги пайгамбарга бу икки нур берилмаган эди. Бу икки нур: Фотиҳа сураси ва Бақара сурасининг охириги оятлари. Ҳар қачон улардан бир ҳарфни кироят қилсанг, албатта, сўраганинг берилди» (Имом Муслим ривояти). Имом Бухорий Абу Саъид ибн Алмуъалло Ансорий розияллоху анхундан ривоят қилган хадисда Расули Акрам соллаллоху алайҳи васаллам бундай дейилар: «Сенга Қуръони Каримдаги энг улуг сураи ўргатиб қўяйми? Бу «Алҳамдулиллаҳи Роббил аъламинийн» сураси. Бу сура тақрорланувчи етти оят ва Улуғ Қуръондир». Имом Байҳақий ва бошқалар Жобир ибн Абдуллох розияллоху анхундан ривоят қилишган хадиси муборакда бундай дейилган: «Чиндан ҳам, Фотиҳа сураси Улимдан бошқа ҳар бир дарда даводир». Ибн Роҳвайх ҳазрат Али қаррамаллоху ваҳахундан бундай ривоят қилган: «Фотиҳа



сураси Арш остидаги ганжинадан нозил этилган». Расули Акрам соллаллоху алайҳи васаллам Аллох аза ва жалладан ривоят қилган хадиси қудсийда келади: «Аллох таоло: «Намозни Узим билан бандам ўртасида икки қисмга бўлдим. Бандам учун сўрагани бўлади», дейди. Агар банд: «Алҳамдулиллаҳи Роббил аъламинийн», деб айтса. Аллох таоло: «Бандам Мени мактади», деб айтади. Агар банд: «Ар-Роҳманир Роҳийм», деса, Аллох таоло: «Бандам Менига сано айтди», деб айтади. Агар банд: «Малики явмиддин», деса, Аллох таоло: «Бандам Мени шарафлади», деб айтади. Агар банд: «Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн», деса, Аллох таоло: «Бу Мен билан бандам ўртасидир, бандамга сўраган нарсаси бўлур», деб айтади. Агар банд: «Ихдинас сиротол мустақим. Сиротоллазина анъамта алайҳим, гоърирл маъзуби алайҳим валаззолиин», деса, Аллох таоло: «Бу бандам учун. Бандамга сўрагани бўлур», дейди» (Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоятлари). Имом Ҳоким Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилган хадисда Расули Акрам соллаллоху алайҳи васаллам бундай деганлар: «Афзалул Қуръони: «Алҳамдулиллаҳи Роббил аъламинийн». Пайгамбар алайҳиссалом хадиси шарифларининг бирини бундай деб марҳамат қилдилар: «Аллох таоло бир бандасиға нисъмат берса, банд бунинг муқобилида «Алҳамдулиллаҳ», деб айтса, банд нисъмат шукрини адо этган бўлади. Агар у бун иккинчи марта айтса, Аллох таоло унинг савобини унга янгилайди. Агар банд учинчи бор «Алҳамдулиллаҳ», деб айтса, Аллох таоло унинг гуноҳларини кечиради» (Имом Байҳақий Жобир ибн Абдуллох розияллоху анхундан ривоят қилган).


«Шифо оятлари ва маъсур дуола» китобидан.

### РАСУЛУЛЛОХ СОЛЛАЛЛОХУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ НАБИРАЛАРИ

- 1) Алий. Балоғат ёшига етмай вафот этганлар. Оналари Зайнаб розияллоху анҳо. Оталари Абул Ос ибн Рабӣб розияллоху анху.
- 2) Умома розияллоху анҳо. Тахминан 50 йил умр кўрганлар. Оналари Зайнаб розияллоху анҳо. Оталари Абул Ос ибн Рабӣб розияллоху анху.
- 3) Абдуллох розияллоху анҳо. 6 йил умр кўрганлар. Оналари Руқайя розияллоху анҳо. Оталари ҳазрати Усмои розияллоху анху.
- 4) Ҳасан розияллоху анху. 47 йил умр кўрганлар. Оналари Фотима розияллоху анҳо. Оталари ҳазрати Алий розияллоху анху.
- 5) Хусайн розияллоху анху. 56 йилу 5 ой умр кўрганлар. Оналари Фотима розияллоху анҳо. Оталари ҳазрати Алий розияллоху анху.
- 6) Умму Қулсум розияллоху анху. 44-36 ёшлар атрофи умр кўрганлар. Оналари Фотима розияллоху анҳо. Оталари ҳазрати Алий розияллоху анху.
- 7) Мухассин. Ёшлигида вафот этган. Оналари Фотима розияллоху анҳо. Оталари ҳазрати Алий розияллоху анху.
- 8) Зайнаб розияллоху анху. 54-53 ёшлар атрофи умр кўрганлар. Оналари Фотима розияллоху анҳо. Оталари ҳазрати Алий розияллоху анху.



### МАККАИ МУКАРРАМАДАГИ МАСЖИДУЛ ҲАРОМ ҲАКИДА



1. Масжиднинг умумий майдони 1 миллион кв. метрни ташкил этади.
  2. Масжид ҳудуди 2 миллион кишини сифидиради.
  3. Йилга 20 миллион зиёратчини қабул қилади.
  4. Тунуқун 24 соат давомида очик бўлади.
  5. Ҳеч қачон қулфланмайди.
  6. 1800 та фаррош, тозалик ходимлари ишлайди.
  7. 40 та электр токида ишлайдиган тозалаш машиналари ишлайди.
  8. 60 та ташки саҳни тозалаш ускунаси бор.
  9. 2000та чиқиндилар учун контейнерлар бор.
  10. Масжиди Ҳарам ичида 40.000 та жойнамоз солинган бўлиб, уларнинг узунлиги жамланса, Макка ва Жидда шаҳарлари ўртасидаги масофадан 89 километрга узунроқдир.
  11. 13.000 сув ҳовузчаси бўлиб, кунига тўрт маротаба тозаланadi.
  12. 25.000та сув сақланадиган (ёмкость) катта ҳавзалар бўлиб, улар дунёдаги энг катталаридан ҳисобланади.
  13. Сув таркибини текшириб туриш учун 1000та кичик таҳлил жўмраклари ўрнатилган.
  14. Масжид ҳудудида 1.700.000 донга 10 литрлик замзам сувлари қўйилган сув бурчаклари ўрнатилган.
  15. Ҳарамин китоб бурчакларида 24 соат давомида мутолаа қилиш мумкин ва улар бепул хизматдир.
  16. 2000 дан ортик буюмларни сақлаш қутилари (камера хранения) мавжуд.
  17. Ҳарам ичида юзлаб махсус музлатгич ускуналари ўрнатилган.
  18. Маълумотлар бўлимидан масжиднинг қайси еридан бўлсада маълумот олиш имкони яратилган.
  19. 6000 та овоз кучайтиргич ўрнатилган.
  20. 4 та катта овоз ускуналари бор.
  21. 50 та овоз ускуналари мутахассиси ишлайди.
  22. Ҳарамда Мусхафи шарифнинг дунёнинг 25 тилидаги таржималари мавжуд.
  23. Жума ҳутбаси 5 турли тилларга тўғридан-тўғри таржима қилиб узатилади.
  24. Ердамга муҳтожларга алоҳида хизмат бўлимлари бор.
  25. 10.000та оддий аравачалар бепул фойдаланишига қўйилган.
  26. 400та электр аравачалар мавжуд.
  27. Рамазон ойида рўздорлар учун 4.000.000 ифторлик тайёрланади.
  28. Масжидул Ҳаром ичида 50.000 та, ташқарисида 50.000 та хурмо бепул тарқатилади.
  29. Ифтордан сўнг дастурхонлар бир неча дақиқалар ичида йиғиштириб олинади.
- Аллоҳим, Байтул Ҳаром - муқаддас уйингни асрагин, Уйингни ҳожишлар ва умра зиёратчилари қаторида зиёрат қилишни бизга осон айла, муяссар эт! Аллоҳим, масжиди Набавийда бўлиб, ҳабибиг Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламни қабрларини зиёрат этишини ҳам насиб эт!

#### Бухорои Шариф

Муассис: «Бухоро вилоят  
босмаҳонаси» МЧЖ  
Мухаррир: Аббос ИБДУЛЛАЕВ

Газета «Бухоро вилоят  
босмаҳонаси» МЧЖда  
571 нусхада чоп этилди.  
Буюртма -1455

Ўзбекистон Республикаси Президентини администрацияси хузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Бухоро вилоят  
худудий бошқармаси томонидан 2010 йил 16 декабрда 05-021 рақам  
билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-6742.  
Нашр индекси-344

МАНЗИЛИМИЗ:  
200100. Бухоро шаҳри, Академик  
Иброҳим Мўминов 27 уй.  
Телефон: 65-223-25-38

e-mail: 2004bvb@mail.ru

## КАМОЛИДДИН БЕХЗОД ВА ЎЗБЕК ПОРТРЕТ САНЪАТИ

XV асрнинг биринчи ярмида Шохрух даврида Хирот Хуросоннинг маданий маркази даражасига кўтарилди, иккинчи ярмида Султон Хусайн ва Навоий даврида "Уша давр Шарқининг асосий маданий марказларидан бирига айланди".

бири бўлмиш Алишер Навоий Хирот маданий ҳаётининг хомийси, илму фан, адабиёт, санъат арбобларининг вали неъматини эълон қилган замона аҳллари томонидан эътироф этилганнинг бир неботидир.

Навоий, Жомий ва Бехзод давридаги Хирот маданиятининг юксалиши ва гуллаб яшашини Ўз-Ўзидан бўш жойла пайдо бўлмади, балки XIV асрнинг иккинчи ва XV асрнинг биринчи ярмида Сохибқирон Амир Темури ва султон Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд, Хирот ва Шероздаги сарой китобхоналарида кўплаб ҳатот, нақшош мусаввирларнинг тўпланиши, ўнлаб зийнатланган қўлзма китоблар тайёрланиши, Бехзод, Султон Али қабиларнинг ижодий камолотига замин ҳозирлади.

XV асрнинг иккинчи ярмида Алишер Навоий таъсири туфайли Маворуннаҳрнинг маънавий ҳаётида қатта бурилиш бўлди. Европада Шарк Рафаэли деган ном олган буюк санъаткор, мусаввир Камолитдин Бехзоднинг ижодий камолотига кўтарилган пайти миниатюра санъати тараққиётининг юксак босқичга чиқишига сабаб бўлди. Аввалги даврларга нисбатан бу даврда миниатюра санъатининг мавзу доираси кенгайди, фақат эпик, афсонавий-мифологик достонлар воқеаси тасвирланмай замонавий асарлар, жонли ҳаётдан олинган ҳаётий лавҳалар, тарихий воқеалар, шахслар портретлари билан зийнатланди. Тасвирий санъат, мўъжаз расмларнинг янги жанрлари, табиат кўри-нишлари, замона аҳлининг бир гуруҳи ва алоҳида шахслар портретлари, кундалик маиший ҳаёт лавҳаларини тасвирловчи асарлар пайдо бўлди.

Миниатюра санъатига хос бўлган шартлиликни ҳисобга олган ҳолда, тасвир этилган инсон, жониворлар ва табиат манзараларини мусаввир реалистик йўналишда ниҳоятда нафис, мўъжаз чизикларда бера олганлар. Бўёқларнинг ҳаммаси ҳам юксак дид, маҳорат билан танланган, уларнинг уйғулигига эришилган. Бадий адабиётдагидек, тасвирий санъат марказида ҳам асосан инсон шахси, унинг ҳаёти, орзу-умидлари туради, санъаткорлар бутун истеъдодларини ана шу марказий муаммони ёритишга қаратадилар. Маворуннаҳр Тасвирий санъатдаги Ўзгаришлар, асосан Бехзод ижодидан бошланди. Буюк рассом ижодининг камолотида инсон образи тас-

лар салтанатининг таназулга юз тутиши ва ҳокимият тепасига Шайбонийларнинг келиши оқибатида Хуросоннинг пойтахти Хиротдан Бухорога кўчди. Натижада Хиротдан кўплаб ижодкорлар қатори мусаввирлар ҳам бу шаҳарда бошпана топдилар. Оқибатда Бухоро миниатюра мактаби ташкил топди. Унинг асосчиларидан бири Бехзоднинг шогирди Махмуд Музаҳҳибдир. У ўзининг устози Мир Али Хорравий билан бирга Темурийлар династиясига хос тасвирий санъат анъаналарини давом эттирдилар.

Мўъжаз санъат миниатюрада инсон қиёфасини тасвирлаш Темурийлар даврида ҳам мавжуд эди. Бунга далил Сохибқирон Амир Темури, Захириддин Мухаммад Бобир, Султон Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий портретларидир.

Бу портретларга характерли жиҳат инсон қиёфасини реал ҳаётий тасвирлаш, идеаллаштиришдан чекиниш, дабдабалиқдан воз кечиш бўлиб, қахрамонларнинг мартабаси эмас, шахси, инсонийлиги биринчи планга чиқади. Бехзод, Мирак Накшош ва Косим Али сингари санъаткорлар мўйқаламига мансуб портретларда бўёқлар бойлиги, композициянинг мураккаблиги, қиёфадаги индвидуаллик элементлари, уларни ҳаракатда беришга уринишини кўрамиз.

Миниатюра гўзаллиги, нафосати, бўёқларнинг рангдор ва равшанлиги, муносиблиги, чизикларнинг нафислиги, персонажлар қиёфасининг жозибадорлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Бўёқлар гаммаси унчалик бой бўлмасда, портретлар майин, ёқимли рангларда тантанавор услубда ишланган.

Илм-фан, маданият ва санъат аҳли хомийси, вале неъматини Алишер Навоийнинг мўътабар сиймосини мусаввирлар улкан муҳаббат, ҳурмат ва садоқат билан қилқаламда тасвирлаганлар. Мутафаккир шоирнинг нури чехраси, донишмандларча ўйчан қарашини, сал чимирланган қоши, ҳаёл олдинга букчайган гавдасини, икки қўли билан ингичка ҳассага таянган ҳолда, узун бежирим ҳалатда чизилган. Адибнинг мошгуруч соқол ва мўйлови унинг мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтканлиги, қуллоқ устидан тартиб билан боғланган оқ салласилоқлик ҳалоллик, муқаддас исломга садоқат ва донишмандликка ишора қилади.

Ушбу портрет буюк мусаввир Бехзоднинг иқтидорли шогирди Махмуд Музаҳҳаб қаламига мансуб. Портретнинг юқори қисмида "Сураги Амири Кабир Мир Алишер" - яъни "Улуғ Амир Мир Алишер" - деган, пастки қисмида:

"Амалий Махмуд Музаҳҳиб исмли гуноҳкор банда" - деган насталик хатидаги ёзувлар бор.


Махмуд Музаҳҳиб Темурийлар даврида Хиротда Султон Хусайн Бойқаро саройида ижодини бошлаб, Шайбонийлардан Мухаммад Шайбонийхон, Убайдуллохон, Абдулазизхон, Абдуллахон II даврида Бухорода ижодини давом эттирган. У Бухоро миниатюра мактаби анъаналарини ривожлантирди ва бебаҳо асарлар яратиб улкан мерос қолдирди.

1. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами М., 1965. с.21

2. Бобир З.М. Бобирнома. Т., 1960 233-бет

3. Ж. Стякоуки. Леспейнтирес десманис срис Тимуридес. Парис, 1954, п.24

Жумаев Қорғоди Жўраевич, Бухоро давлат университети Санъатшунослик факультети, санъатшунослик фанлари номзоди. Доцент, Ўзбекистон Бадий академияси Рассомлар уюшмаси аъзоси. Тўхсанова Вилоят Ражабовна, Бухоро давлат университети Санъатшунослик факультети, Тасвирий ва амалий санъат кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Бадий академияси Рассомлар уюшмаси аъзоси.



Хиротнинг шу даражага кўтарилишига раҳнамолик қилган шахс ҳазрат Алишер Навоий эди.

Бу ҳақда "Бобурнома"да жуда адолатли сўзлар айтилган: "Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлмай. Устоз Бехзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машхур ва маъруф бўлдилар".

Бу сўзлар улуг шоир ва мутафаккир, устоз ва олим, йирик жамоат ва давлат арбоби, ўша даврнинг энг маданиятли вақилларидан

вири, уни ҳаракатда бериш, мўъжаз санъат имкониятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда персонажларнинг индивидуал хусусиятларини бера олишга эришди. Бехзод - мусаввир Мирак Накшош раҳбарлигида шакланган бўлса, ижодининг юксак босқичга кўтарилиши давлат арбоби, меценат, шоир Мир Алишер раҳбарлигида бўлди. Худди ана шу зотнинг хомийлиги, раҳбарлиги, йўл-йўриқ кўрсатиши натижасида устоз Бехзод ва Шох Музаффарлар рассомчиликда шухрат қозондилар.

XVI асрнинг бошларида темурий-

Buxoro - sharq  
gavhari



# BUXOROIYI SHARIF

БУХОРОИ  
ШАРИФ

Маърифий, ҳуқуқий, илғимий, маънавий ва реклама-ахборот ҳафтаномаси

Газета 1992 йил январь ойидан чиқа бошлаган

2022 йил 14 декабрь чоршанба

№ 65 (1557)



"BUXORO  
VILOYAT  
BOSMAXONASI"  
MCHJ

MUHR VA  
TAMG'A



- GAZETAGA E'LONLAR
- NASHRIYOT XIZMATI
- KITOB, BROSHYURA,  
DIPLOM, GUVONNOMA,  
VIZITKA VA TURLI  
XILDAGI BLANKA  
MAHSULOTLARI  
CHOP ETADI.

• BARCHA TURDAGI  
POLIGRAFIYA  
XIZMATLARI



• KANSTOVAR

65 223-25-38



XX  
VIPERACOSA  
КРЕМ ЛЮКСОВЫЙ



Представляем вам  
Лечебно-  
профилактическую,  
омолаживающую косметику  
с зменным ядом  
крем Viperacosa.

Доставка по всему  
Узбекистану.

Успейте заказать  
по 50% скидке!!!

Обращайтесь по телефону  
+99890 361-29-58



ART'BUKHARA  
РЕКЛАМНОЕ АГЕНТСТВО



ОБЪЕМНЫЕ БУКВЫ  
РЕКЛАМНЫЕ КОНСТРУКЦИИ,  
СВЕТОВЫЕ КОРОБА, ВЫВЕСКИ

ШИРОКОФОРМАТНАЯ ПЕЧАТЬ  
БАННЕР, ОРАКАЛ,  
СЕТОЧНЫЙ ОРАКАЛ

СТЕНДЫ, ТАБЛИЧКИ,  
УКАЗАТЕЛИ, ШТЕНДЕРЫ

ПОЛИГРАФИЧЕСКАЯ ПРОДУКЦИЯ  
ВИЗИТКИ, ФЛАЕРЫ, БУКЛЕТЫ,  
ПОСТЕРЫ, НАКЛЕЙКИ

ФИРМЕННЫЙ СТИЛЬ,  
ДИЗАЙН

+998 98 180-92-22 г. Бухара ул. И. Мухоморова 27  
+998 99 700-92-22 Ориентир ТЦ МЕГА-БУХАРА

t.me/ARTBUXARA